



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 9 октябрь, шанба • №81 (11.676) • Эркин нархда сотилади

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан Парламентнинг куйи палатасига сайлов бир юз йигирмата ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини 119,6 минг сайловчи қилиб белгилаб қўйган эди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун тегишли ҳудудлар доирасида сайлов округларини тузиш бўйича Марказий сайлов комиссиясига тақдимномалар киритган эдилар.

Ушбу тақдимномаларга асосан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун сайлов округларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ тузилган сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг регламенти лойиҳаси Комиссия аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ў.А.

Миллий истиқлол ғояси ва ёшлар

Республика ўқувчилар саройида «Миллий истиқлол ғояси менинг тақдиримда» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Унда Республика Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё иштирок этди.

Мазкур тадбир ўқувчи ёшларнинг дунёқарабини кенгайтириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга бўлган ҳурматини юксалтириш, сиёсий ва ижтимоий онгини ошириш, миллий истиқлол ғояларини тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ўтказилажак икки палатали сайловлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотлар, ёшлар муаммолари муҳокама қилинди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс».

• Пахта – 2004



Вилоятда пахта хом ашёси тайёрлашнинг бориши тўғрисида 8 октябрда бўлган маълумотга қараб, ҳулоса чиқариладиган бўлса, йиғим-терим ишларини мавсум бошиданоқ ҳар томонлама пухта ташкил этган туманларда кунлик суръат бир маромда сақлаб келинмоқда.

Бекободга нима бўлди?

Хусусан, Юқоричирчиқ, Окқўрғон, Чиноз ва Куйичирчиқ туманларида ўтган кун ийиллик режанинг 3,04-3,67 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришилди.

Лекин, айрим туманларда уюшқоқлик, ташкилотчилик етишмаётгани сабабли кунлик суръат вилоят бўйича ўртача даражадан пастга тушиб кетди. Айниқса, Бекобод туманида 7 октябрь кунини бор-йўғи 1,10 фоиз миқдорида хом ашё тайёрланганини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Шунингдек, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида ҳам терим суръати бугунги кун талаблари даражасида эмас.

Куйичирчиқ туманида кунлик суръат асосан машина терими

хисобига ушлаб турилганлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, ўтган кунини машиналарда 240 тонна пахта терилди. Бу вилоят бўйича иккинчи натижадир. Бироқ, маҳаллий аҳоли йиғим-теримга оммавий сафарбар этилмаётгани ҳамда кунлик унум паст эканлиги сабабли туман саккизинчи ўриндан юқорига кўтарила олмаяпти.

7 октябрь кунини вилоятда йиллик режанинг 2,60 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Шу кунгача қабул пунктларига топширилган хом ашё эса, 62,50 фоизга етди. Агар вилоятни орқага тортаётган туманларда терим суръати пасайтириб юборилмаганида, бу рақамлар анча салмоқли бўлиши мумкин эди.

• Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Йигитлар хизматга отланди

Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув бошланди. «Ўзбекистон Республикаси умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга асосан муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ва бу йилги кузги муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақирувини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими алоҳида қарор қабул қилди.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари вилоят мудофаа ишлари бошқармаси билан биргаликда Қуролли Кучларимиз чақирилувчилар билан сифатли тўлдирилишини таъминлаш мақсадида зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳарбий хизматга қадар ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни малакали тиббий кўриқдан ўтказиб, кузги чақирувни оқилона ташкил этишга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилди.

Яқинда Қуролли Кучлар са-

фига чақирилган йигитларнинг бир гуруҳини ҳарбий қисмга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Йигитлар чегара кўшинларида хизмат қилиш учун жўнаб кетишди.

— Айни чегара кўшинларида хизмат қилиш болаликдан орзуим эди, — дейди Тошкент туманидан ҳарбий хизматга чақирилган Марат Умархонов.

— Ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги асарларни кўп ўқирдим, спорт билан мунтазам шуғулланардим, дастлабки ҳарбий тайёргарлик дарсларида пухта сабоқ олишга ҳаракат қилар-

дим. Мана энди орзуларим ушалди, чегара кўшинларига хизматга жўнаб кетаяпман.

— Яхши хизмат қил, болам, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги «Янги турмуш» ширкат хўжалигидан келган Гулбаҳор Марасулова ўғлини бағрига босиб. — Ой бориб, омон қайт!

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев, «Аскар оналари» қўмитаси раиси Лилия Симонян ва чегарачи зобитлар ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитларни табриклаб, ҳарбий касбларни мукамал эгаллашга, она-Ватан сарҳадларини зийрак туриб қўриқлашга даъват этишди.

Тантанали кузатув байрам концерт дастури билан якунланди.

Сергей МУТИН.

СУРАТДА: тантанали кузатув маросимидан лавҳа.



Халқаро Бизнес-марказда Япония ҳукуматининг беғараз молиявий ёрдами доирасида кичик кўламдаги ижтимоий лойиҳаларга ажратиладиган грант-шартномаларни ушбу мамлакат элчихонаси томонидан имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик қирралари

Бу сафар пойтахтдаги 241, 107-ўрта умумтаълим мактаблари, Тошкент банк коллежи, Тошкент трактор заводи тиббий-санитария бўлими, «Моҳларойим» хотин-қизлар ва ўсмирлар маркази ҳамда Фарғона вилояти Риштон туманидаги маҳалла ёшлар маркази билан грант-шартномалар имзоланди. Тақдим этилган грантларнинг умумий қиймати 365 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Ў.А.

Болалар саломатлиги йўлида

Педиатрия илмий текшириш институтида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида кўрсатиладиган педиатрия хизмати сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши яхши самара бераётгани таъкидланди. Республика педиатрия илмий текшириш институтида олиб бориладиган илмий изланишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилмоқда.

— Ҳозирги кунда асосий эътибор болалардаги касалликларни интеграциялашган тарзда даволаш усулини татбиқ этишга қаратилляпти, — деди институт директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Маҳмудова ў.А. мухбирига. —

Ушбу тадқиқотни амалиётда самарали қўллаш мақсадида институтда алоҳида марказ ишлаб турибди. Мазкур усулда даволашда боланинг касалликка чалинган аъзосигина эмас, балки гўдак саломатлиги комплекс тиббий назоратдан ўтказилиб, тегишли муолажа қўлланилади.

Семинарда кишлоқ врачлик пунктлари, болалар шифохоналари мутахассислари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокидаги семинарда болаларга ана шу йўналишда тиббий ёрдам кўрсатиш муаммолари ва истикболлари муҳокама этилди.

Ў.А.



Сайловлар ва ташвиқот омиллари

Куни кеча Тошкентда «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва этик жиҳатлар» мавзудаги халқаро конференция ўз ишини якунлади. Анжуман Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Марказий сайлов комиссияси, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Олий Мажлис депутатлари, қатор мамлакатлар сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат уюшмалари ва Ўзбекистон фуқароларнинг ўзини бошқариш идоралари вакиллари, дипломатик миссиялар раҳбарлари, бир қатор хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган сайлов технологиялари бўйича мутахассислар, маҳаллий ва хорижий

оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Конференция иши давомида «Демократик сайловлар, сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари», «Сайлов технологиялари: имкониятлар, муаммолар ва истиқболлар» ҳамда «Сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуларидаги уч шўба йиғилиши ўтказилди.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий жамғармаларнинг

Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шу жумладан, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТ, Тинчлик корпуси, «Фридом хаус» ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ҳам маърузалар билан чиқишди.

Конференция иштирокчилари сайлов кампаниясини ўтказиш стратегияси ва тактикаси, унинг ташвиқот-реклама, ташкилий-оммавий ҳамда ахборот-таҳлилий таъминоти, сайловчилар билан ишни режалаштириш ва бошқариш, оммавий ахборот воситаларининг сайловлар жараёнидаги фаолияти, «қора технологиялар»нинг такрорланиш ҳолларини бартараф этиш ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Турли мам-

лакатлардаги сайлов кампанияларининг этик-ҳуқуқий жиҳатлари ва унда оммавий ахборот воситалари роли ва иштирокини ўзаро қиёслаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маърузаларда ва ўзаро фикр олишувлар чоғида сайлов технологияларида фойдаланилаётган усуллар ва воситалар, уларнинг руҳий, ижтимоий ва маданий жиҳатлари, сиёсий маркетинг ва реклама ҳамда давлатнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабати масалалари муҳим ўрин эгаллади.

Конференция қатнашчилари Олий Мажлисга аввалги сайловларни ўтказиш жараёни ва хусусиятлари, улардаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини атрофчи таҳлил қилдилар, сайлов технологияларини янада такомиллаштириш ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштиришга йўналтирилган тақдирларни қабул қилдилар.

Жўрабек МУРОДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тошкентда Western Union ваколатхонаси

Тошкентда WESTERN UNION компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси очилди.

Мазкур компания ўзининг дунё бўйича тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга. Дунёнинг 195 мамлакатидagi миллионлаб кишилар ўз пул маблағлари жўнатмасини компанияга ишониб топширишади. 2001 йилдан буён WESTERN UNION мамлакатимиз аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган 36 та банкдан 20 таси билан компания ҳамкорлик қилмоқда. Компаниянинг 370 та шохобчаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, ўз миқдорларига эга бўлаётганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Компаниянинг Тошкентдаги очилган ваколатхонаси дунё давлатлари бўйича 44 чиси ҳисобланади.

Компания мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган давлат ҳисобланади. Айнан шунинг учун Марказий Осиё бўйича ваколатхона Тошкентда очилди. Бу компаниянинг мамлакатимиздаги фаолияти кенгаётганлигидан далолат беради.

Ушбу ваколатхона компания фаолиятини кўтариш, хайрия, хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш каби вазифаларни амалга оширади.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс».

● Савол беринг, жавоб берамиз

Сиёсий партияларни молиялаштиришдаги чеклашлар

Эндиликда мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштириш давлат ва бошқа субъектлар томонидан йўлга қўйилади. Бу, албатта, сиёсий жараёнларни фаоллаштиришда муҳим омил бўлади. Айниқса, Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига яқинлашаётган сайлов арафасида бунинг аҳамияти катта. Илтимос, сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришда чеклашлар бор-йўқлигини тушунтириб берсангиз.

Зокиржон РАСУЛОВ, Ангрен.

— Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунида бундай чеклашлар аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Чунончи, ушбу қонуннинг 15-моддасида сиёсий партияларга хайрия

ёрдамини чеклашлар ўз ифодасини топган. Жумладан, қонунга мувофиқ, сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан, грантлар ажратиш,

техник ёрдам кўрсатиш, сарфлар билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) муайян хайрия ёрдами берилишига йўл қўйилмайди. Масалан, чет давлатлар, чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл

фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар сиёсий партияларни бирор-бир кўринишда қўллаб-қувватлашлари мумкин эмас.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган хайрия ёрдами олинган кундан эътиборан бир ой ичида хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши лозим. Уларни қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда бу мулк ёки маблағ давлат даромадига ўтказилади.

Экология ва саломатлик кунларига бағишланди

«Экосан» халқаро жамғармасида «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Унда вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, ушбу босқич доирасида қишга тайёргарлик кўриш, ҳазонларни тўплаш ва сақлаш учун махсус майдонлар ажратиш, иситиш тизимларини таъмирлаш, корхоналарда тозалаш қурилмалари, чанг, газютгичларни созлаш каби тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

«Туркистон-пресс».

● Пахта – 2004



Таннарх паст, даромад юқори

Сир эмас, фермерликни ихтиёр этганлар борки, биринчи мақсадлари — салмоқли даромадга эга бўлиш. Аммо, бунга осонликча эришиб бўлмайди.

Иқтисодчиларнинг таъбири билан айтганда, даромад биринчи галда маҳсулотнинг таннархига боғлиқ. Яъни кам сарф-харажат билан кўп ва сифатли маҳсулот етиштириб олиш керак. Масалан, пахтачиликда ўзининг техника воситалари бут бўлган фермергина бунга эришиши мумкин.

Абдуқаҳҳор Ғаффоров ана шундай фермерлардан. Унинг 2 та ҳайдов, 2 та чопиқ ва 2 та транспорт трактори, битта ХНП-108 пахта териш машинаси бор. 109 гектар ерда дехқончилик қилаётган фермер учун шунча техника етиб-ортади, албатта. Ўтган йилги натижалар бунга яққол кўрсатди. Чунончи, пахта ҳосилдорлиги қарийб 31 центнерга борди. Аъзолар бутун мавсум давомида яхшигина иш ҳақи олиб турганликларидан ташқари, йил якунида 15 миллион сўм фойдага эга бўлдилар.

Бу йилги мавсум «Учкун» фермер хўжалиги учун янада муваффақиятли келди. Ўзларида техника етарли бўлгани учун барча агротехник тадбирлар вақтида ва сифатли ўтказил-

ди. Яхши парваришланган гўза мўл ва сифатли ҳосил тўкди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Бу шартнома режасида белгиланганидан 8 центнер кўпдир. Фермер хўжалигининг 40 нафар аъзоси йиғим-теримда фаол иштирок этгани боис қабул пунктлари билан юқори навли пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан тузилган шартнома 8 иш кунида бажарилди.

Айни кунларда «Учкун» далаларида бўлган киши режа аллақачон бажариб қўйилганига ишонмаслиги мумкин. Чунки, ҳали ҳосил мўл. Терим ҳам бўшаштирилмаган.

— Бу йил ҳосилдорлик камида 35 центнерга боради, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдуқаҳҳор Ғаффоров. — Энг муҳими даромадимиз ўтган йилдагидан 50-60 фоиз ошиши ҳозирданок маълум бўлиб қолди.

СУРАТДА: (ўнгдан) Абдуқаҳҳор Ғаффоров хўжалик аъзолари Муродилла Маҳмадиев ва Исмаил Армонов билан суҳбатда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Чорак асрдан сўнг

ўз фаолиятини бошлаган «Ёшлик» спорт
мажмуи 1980 йилда қуриб битказилган эди



Шунча вақт давомида деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган ушбу спорт иншооти ниҳоят Бекобод шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан бу йил тубдан қайта қурилиб, ишга туширилди. Йирик спорт мажмуасининг тоmidан то бутун коммуникация тармоғигача бутунлай қайта таъмирланди.

Бу ишга шаҳардаги уй-жой ва қурилиш ташкилотлари, электр ва сув таъминоти каби барча коммунал хизмат тармоқлари жалб этилди. Шаҳар ҳокимияти қайта таъмирлаш учун етарли маблағ излаб топди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши 9 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратиб, кураш гиламлари, футбол, волейбол ва баскетбол тўплари, гимнастика анжонлари каби барча спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Шундай қилиб, қарийб чорак аср давомида ҳаракатсиз ётган катта спорт иншооти «қайта дунёга келиб», иш бошлади. Айни пайтда мажмуада спортнинг таэквондо, бокс, футбол, баскетбол, самбо, миллий кураш каби турлари бўйича машғулотлар изчил давом этмоқда.

— Биз биринчи галда спортнинг оммавий турлари бўйича машғулотларни йўлга қўйишга ҳаракат қилдик, — дейди «Ёшлик» спорт мажмуаси директори Николай Игнатъев. — Чунки, асосий мақсадимиз спортнинг оммавий турларини кенг ривожлантириб, уларга кўпроқ ёшларни жалб этишдир.

Мажмуа директорининг таъкидлашича, асосий эътибор тўғаракларга жалб этилган ёшлар орасидан энг иқтидорли ва истиқболлиларини аниқлаб, уларни Олимпия заҳиралари олий спорт маҳорати мактабига тавсия этишга қаратилмоқда.

Яқинда «Ёшлик» спорт мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар янги спорт иншоотининг шаҳарда оммавий спорт турини кенг ривожлантириш, республика шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қила оладиган истеъдодли спортчиларни тарбиялаб вояга етказишдаги аҳамияти ҳақида гапирдилар.

СУРАТЛАРДА: янги спорт мажмуасининг очилиш тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган
суратлар.

Ниҳоят олтинчи ғалаба

Мамлакат миллий чемпионатининг олий табақасида йигирманчи тур учрашувлари ўтказилди.



донларида «Андижон» жамоаси билан баҳс юритдилар. Учинчи дақиқада меҳмонлар ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Металлургчилар вазиятни ўнглаш учун

Вилоятимиз вакили «Металлург» чемпионатдаги ўзининг олтинчи ғалабасини қўлга киритди. Улар ўз май-

хужумни кучайтирдилар. Ҳикмат Ҳошимов 10-дақиқада ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимнинг бошларидан майдонда яна фаол

ҳаракат қилган «Металлург» жамоаси 52-дақиқада иккинчи тўпни киритди. Меҳмонларнинг 63-дақиқадаги қарши ҳужумлари яна самарали яқунланди ва ҳисоб тенглашди. 82-дақиқада киритилган учинчи тўп учрашувга нукта қўйди. Металлургчилар 3:2 ҳисобида зафар кучдилар.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Қизилқум» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Самарқанд-Д» — 2:1, «Пахтакор» — «Насаф» — 2:1, «Машъал» — «Нефтчи» — 0:1, «Трактор» — «Навбахор» — 2:1, «Сурхон» — «Локомотив» — 0:0.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 16 октябрь, шанба кuni бўлиб ўтади. «Металлург» Самарқандда майдон эгаларига қарши баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

Қилмиш-қидирмиш

Ичкилик касофати

Абдукарим ака одатига кўра, ўзи қоровуллик қилаётган ширкат биносининг атрофини барвақт кўздан кечириб бошлади. Кўп қаватли уйга туташ томонда нимадир кўринди. Ғира-шира бўлгани учун яқинроқ бориб разм солди. Ёрда қонга беланган 40-45 ёшлардаги эркак киши ётар, аҳён-аҳёнда оғриқ азобидан инграб қўярди...

Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас тезкор-тергов гуруҳи ва тиббий ходимлар етиб келишди. Экспертнинг дастлабки хулосасига кўра, жабрланувчининг бош ва кўкрак қисмига ўта оғир жароҳатлар етказилган. Аксига олиб, унинг ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат чиқмади. Ўзи эса орадан икки соат ўтиб, касалхонада вафот этди.

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими тезкор-қидирув гуруҳи ходимларининг сўраб-суриштиришлари натижасида мархум-

нинг шахси аниқланди. Шаҳарнинг 10-кичик туманида яшовчи Геннадий бир ўзи турар, қўшнилариинг гапи бўйича, кўпчиликка қўшилмас, спиртли ичимликни хуш кўрарди.

Жабрланувчининг «шишадоз»ларини суриштириш наф бермади. Фақат жиноят жойидаги уйда истиқомат қилувчи Валентина исмли аёл тунда маст одамлар бақириб, бир-бирларини ҳақорат қилишаётгани ва улардан бирининг овози шу атрофда яшовчи Дмитрийникига ўхшашини ай-



тиб қолди. Маълум бўлишича, Дмитрий асли Тошкентда туғилиб ўсган, Чирчиққа кўчиб келганига кўп вақт бўлгани йўқ, муқаддам жиноят содир этиб, жазони ўтаб чиққан.

Дмитрий ички ишлар бўлимига олиб келиниб, гумондор сифатида сўроқ қилинганида, дастлаб ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтиб, ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилди. Аммо тажрибали ходимлар олдида ип эшолмади. Воқеа қандай бўлганини гапириб берди... Дмитрийни тушга яқин та-

«Nike» кубоги вакилларимизда

Пойтахтдаги NBU спорт мажмуасида футбол бўйича «NIKE» компаниясининг кубоги учун анъанавий турнир ўтказилди.

Бешинчи мартаба ўтказилган бу турнирда республикамизда фаолият юритувчи 16 та йирик бизнес субъектларининг футбол жамоалари иштирок этди. Унда вилоти-миз вакили «Бўстонлиқсўт» қўшма корхонаси жамоаси ҳам қатнашди.

Саралаш босқичидан «Бўстонлиқсўт», «УзБАТ», «NESTLE», «Сархунтекс» жамоалари кейинги босқичга йўл олишди. Навбатдаги босқичда бўстонлиқликлар «УзБАТ» жамоаси устидан 5:2 ҳисобида ғолиб келишди. Шундан сўнг «Сладкий мир» жамоасини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқишди. Финалда жамоамизга қарши «Сархунтекс» жамоаси тўп сурди. Учрашувнинг асосий вақтида кучлар тенг келди — 2:2. Берилган қўшимча вақтда Зоир Ортиқов киритган тўп эвазига «Бўстонлиқсўт» қўшма корхонаси «NIKE» кубогини қўлга киритди.

Маҳкам ФАТТОХОВ, Хуршида НАЗАРОВА.

Моделчилар баҳси

Қозоғистоннинг Бойқўнғир шаҳрида спортнинг ракетамодели тури бўйича ўтган «BAIKONUR CUP-2004» мусобақаларида мамлакатимиздан саккиз нафар спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти республика техник ва амалий спорт турлари марказидан хабар қилишлари-ча, ушбу мусобақаларда спортчилар тўрт йўналиш бўйича беллашган.

Ҳамюртларимиздан Фарход Боқиев ва Владимир Уцин ўз йўналишида биринчи, Игорь Ибрагимов иккинчи ўринни қўлга киритди.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

Медаллар билан қайтишди

Болгариянинг Хасково шаҳрида қаратэ бўйича ташкил этилган «Хасково-2004» халқаро турнирида мезбонлар билан бир қаторда Ўзбекистон, Англия, Кипр, Македония, Сербия ва Черногория, Словения, Грециядан келган спортчилар куч синашди.

Кумитэ бўйича яқкалик беллашувларида қашқадарёлик Нодир Хўжаев ҳамда Наманган вакили Достонбек Турғунов олтин медалга сазовор бўлди.

Бобур Давлатов (Сурхондарё), Бахтиёр Раҳмонов (Қашқадарё) ва Дониёр Кенжаевнинг (Хоразм) ҳаракатлари кумуш медалга лойиқ топилди. Хоразмлик Шохрух Берганов ва пойтахтлик Мухторхўжа Расулов бронза медалини қўлга киритди.

ЎЗА.

Писта фойдали, лекин...

Писта фойдали ўсимлик. Унинг таркибида инсон танаси учун фойдали қатор дармондорилари бор.

Шунинг учун ҳам у қадимдан тановул қилиб келинади. Лекин, уни ҳамма ерда ҳам қакавериш мумкин эмас.

Кундалик турмушимизда, кўчада, транспорт воситаларида, жамоат жойларида биргина писта чақишдан келиб чиқадиган зарарли оқибатларни ўйлаб қўрайлик. Албатта, бу жуда ҳам кичик, кўзга кўринмас, ҳатто қаламга олишиб кўриниши мумкин. Лекин, унинг оқибатида қанча жой ифлос бўлади, кўча-кўйнинг озодлигига путур етади.

Худди шу писта чақиш оқибатида шаҳарларимизнинг кўплай озода жойлари ифлосланганганини барчамиз қўриб, билиб турибмиз. Бироқ, бу нарсга бефарқ қараймиз. Баъзи жойларнинг писта пўчоқларидан ифлослигини қўриб, кўнглингиз хижил бўлади, афсусланасиз.

Г. КУНИШЕВА,

Ангрен маиший хизмат касбхона коллежи талабаси.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

Грузия

ИККИЮЗЛАМАЧИ ЭМИШ...

Грузия парламенти спикери Нино Буржанадзе Россияни Чеченистон ҳамда Грузия автономияларидаги сепаратизмга нисбатан иккиюзламачиликда айблади. У ПАСЕнинг давлатлараро муносабатлар муаммолари бўйича сессияси доирасидаги бахslashувлар чоғида шу фикрни айтди. Россия эса ўз навбатида ПАСЕ минбаридан ўч олиш мақсадида фойдаланмаслик керак деган фикрни билдирди.

Ирок

ПОРТЛАШ КЕТИДАН ПОРТЛАШ

Пайшанба куни кечкурун Бағдод маркази яқинидаги Sheraton меҳмонхонаси олдида бир йўла иккита кучли портлаш юз берди. Кетидан ўқ товушлари ҳам эшитилди. Гувоҳларнинг айтишига қараганда, меҳмонхона томон бир жуфт ракета ҳам отилган. Қурбонлар ва жароҳат олганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

АҚШ

ҒАЛАТИ СЎРОҚ

АҚШда бўладиган президент сайловлари вақтида кўпуровчилик юз беришининг олдини олиш мақсадида Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) мусулмон ва араб аҳолиси ўртасида маълумот йиғишга киришди. Гарчи ушбу маҳкама камсонли миллат вакиллари камситилишига йўл қўймаслигини маълум қилган бўлсада, америкалик араблар ва бошқа мусулмонлар ФҚБнинг янгича савй-ҳаракатига шубҳа билан қарамоқдалар.


Россия

ДЕПУТАТГА СУИҚАСД

Пятигорск шаҳрида Ставрополь ўлкаси думаси депутаты Анатолий Плющенкога қарши суиқасд қилинди. 52 ёшли халқ ноибни ўзининг Кузнецкий кўчасидаги уйига кираверишда номаълум кишилар томонидан отиб кетилди. У шу жойнинг ўзида ҳалок бўлди. Тезкор қидирув гуруҳи тахмин қилинаётган қотилларни излашга киришди.

ХУСУСИЙ КОСМОДРОМЛАР РАҚОБАТИ

Мохаве даштидаги тижорат космодромидан биринчи хусусий космик кема учирилган эди. Энди эса унинг рақобатчиси юзага келмоқда. Нью-Мексико ва Оклахома штатларида хусусий космодромлар қуришга тайёргарлик кўришмоқда. Бундан ташқари, россияликларнинг Бойкўнгир ҳамда Австралиянинг Вумера-Рейнж полигони каби рақобатчилари борлигини ҳам унутмаслик керак.



Шарҳловчи минбари

Панжобдаги кўпуровчилик

Покистоннинг Панжоб вилоятидаги Шўжаобод шаҳарчасида иккита кучли портлаш юз берди. Оқибатда 39 киши ҳалок бўлди ва 100 нафар одам жароҳатланди.

Ўтган йилнинг 6 октябрида Исломободда фаолияти тақиқланган «Сипоҳи Саҳоба» экстремистик ташкилоти раҳбари, Покистон парламенти депутати Аъзам Тариқ ўлдирилган эди. Бу пойтахтда норозилик намойишларини келтириб чиқариб, оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган.

Аъзам Тариқнинг ким томонидан ўлдирилгани ҳали аниқлангани йўқ. «Ал-Қоида» билан алоқадор бўлган «Сипоҳи Саҳоба»га Покистон ҳудудида шиаларга қарши уюштирилган хунрезликларнинг асосий ташкилотчиси сифатида қаралади.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, портловчи қурилмалар Аъзам Тариқнинг ўлдирилганига бир йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган диний маросим вақтида ҳаракатга келтирилган. Бир ҳафта олдин


Панжоб вилоятидаги Сиалкот шаҳрида ҳам шиалар масжидида рўй берган портлаш натижасида 31 киши ҳаётдан кўз юмиб, элликдан зиёд одам жароҳатланган. Бу Шўжаобод фожиаси шиалар томонидан жавоб тариқасида амалга оширилган, деган тахминни ҳам келтириб чиқармоқда.

Кўпуровчи бомба жойлаштирилган автомобилни одамлар гавжум бўлган жойга ҳайдаб кирган ва портлатган. 20 сониядан кейин нарироқда турган мотоциклга ўрнатилган мина ҳам ҳаракатга келтирилган. Маълумотларга қараганда, маросимда тахминан 3 мингга яқин одам иштирок этган. Портлаш натижасида террорчининг ўзи ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, атрофдаги биноларга жиддий зарар етди.

Акмал НАЗАРОВ (Ўза).

Қора олтин — 53 доллар

Light маркали нефть хом ашёсининг нархи ўтган пайшанба куни Нью-Йорк биржасида 53 долларга кўтарилди. Тўғри, унинг нархи кейинчалик 52,55 долларга тушди. Шунингдек, Лондонда ҳам 1 баррел нефтининг нархи рекорд — 49,20 долларга чиқиб, сўнгра 48,70 долларга қайтди. Умуман кейинги кунларда жаҳон биржаларидаги нефть нархининг беқарорлиги аънаага айланаётган кўринади.




Тутқич бермас «Кавказ-центр»

Литва Давлат хавфсизлиги департаменти Чеченистон сепаратистларининг «Кавказ-центр» сайтини ёпиб қўйган эди. Орадан уч ҳафта ўтиб, у Грузияда пайдо бўлди. Whois-сервисга қараганда, сервер Тбилиси шаҳрида жойлашган тармоққа қарашли. Бироқ бошқа маълумотлар «грузин» тармоғи Интернетга финпровайдери орқали уланганлигини тахмин қилиш имконини беради.



БАРЧА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
томонидан 2004 йил 1 октябрдан электр қуввати
тўловлари учун истеъмолчи гуруҳлар бўйича
қуйидаги янги тарифлар тасдиқланди:**



I-гуруҳ. Қуввати 750 кВа ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар.

Икки ставкали тариф:

— 1 кВт максимал қувват учун бир йилга 47 200 сўм.

— 1 кВт.с. учун 22 сўм 15 тийин.

II-гуруҳ. Қуввати 750 кВа гача бўлган саноат ва унга тенглаштирилган истеъмолчилар.

Бир ставкали тариф:

— 1 кВт.с. учун 27 сўм 20 тийин.

III-гуруҳ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан бюджетдан молиялаштирилган на-сос станциялари.

— 1 кВт.с. учун 26 сўм 10 тийин.

IV-гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр-улов).

— 1 кВт.с. учун 27 сўм 20 тийин.

V-гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўча ёриткичлари.

— 1 кВт.с. учун 27 сўм 20 тийин.

VI-гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторан ва маиший хизмат шохобчалари.

— 1 кВт.с. учун 34 сўм 00 тийин.

VII-гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктлари.

— 1 кВт.с. учун 25 сўм 00 тийин.

Электр плиталари билан жиҳозланган уйлар аҳолиси.

— 1 кВт.с. учун 12 сўм 50 тийин.

VIII-гуруҳ. Иситиш эҳтиёжлари, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондиционерлаш) учун сарфланадиган қувват.

— 1 кВт.с. учун 34 сўм 00 тийин.

IX-гуруҳ. Реклама ва иллюминация.

— 1 кВт.с. учун 110 сўм 00 тийин.

X-гуруҳ. Энерготизим хўжалик эҳтиёжлари учун.

— 1 кВт.с. учун 25 сўм 00 тийин.

Изоҳ:

1. Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарорига асосан тасдиқланган.

2. Электр қуввати етказиб бериш шартномасига биноан ҳисоб-китоблар ушбу тариф асосида олиб борилади.

3. Ушбу тарифлар жорий этилиши муносабати билан 2004 йил 1 августдан киритилган тариф ўз қучини йўқотади.

4. Электр қуввати ҳисоб-китоблари ва қўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги туман электр тармоқларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Тошкент электр тармоқлари» очик акционерлик жамияти бошқаруви.

Маълумот учун тел: 136-93-80.

